



«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

Бугун Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX анъанавий халқаро кинофестивали очилади

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ● № 101 (8841) ● 20 май, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

АМАЛИЙ ВИЗИТ

16 май кун Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Кремлда М. С. Горбачев ва Н. Чаушеску СССР билан РСР ўртасида иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлиги ривожлантиришнинг 2000 йилгача мулжалланган узоқ муддатли программасини имзоладилар. 1986—1990 йилларда СССР билан РСР ўртасида

маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш программасини КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР Ташқи ишлар министри И. Водува имзоладилар.

Имзолаш чоғида Г. А. Алиев, В. И. Воронников, А. А. Громико, Л. Н. Зейков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н.

Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талызин, А. П. Бирюков, А. Ф. Добринин, М. В. Зинин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев ўртоқлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Катта Кремль саройида Н. Чаушеску шарафига нонушта — зиёфат бердилар.

Зиёфатда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

Самимий дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида М. С. Горбачев билан Н. Чаушеску нутқ сўзладилар. Кечқурун Н. Чаушеску Москвадан ватанига жўнаб кетди. Аэродромда уни Е. К. Лигачев, В. А. Медведев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Биринчи ишлов тугади

ЧИНОЗ. Ҳар гектар ердан ҳосил қўтариш деҳқоннинг тадбирдорлигига боғлиқ. Районда узоқни ўйлаб иш юритаётган ана шундай миқдорлар оқ эмас. Карл Маркс номли колхознинг Икром Абдулҳаев етакчилиги қилётган 10-бегаласи аъзолари бу йил 60 гектар майдонга чигит экиб бир текис ундариб олдилар. Шу кунларда тўлиқ гектарга ҳосил қилиш учун зарур тадбирлар амалга ошириляпти.

Сув қўйилган лайкаллардаги гўза қатор оралари етилсин билан механизатор Саидмурат Тожиқов култиваторни картага олиб ки-

ради. Трактор жўяклардан ҳисста юриб тупроқни майин юмшатиб ўтди. Бундай ҳолда нам узоқ сақланади. Дарҳақиқат, бу бригада деҳқонлар Чиноз районда биринчилардан бўлиб ilk ишлов бериш ва озиклантиришни ниҳосига етказдилар.

Ўқитам Алмуродов, Мирза Маматқаримов ана-уна Хамза ва Умар Нуриевлар тунда ҳам гўзаларга сукути йишмоқда. Насиба Абдураҳмонова, Маърифат Маматқулова сингари илгирлар дала ишларини бажаришда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

СОҒЛОМ КЎЧАТ УЧУН

«КОММУНИЗМ» колхозини деҳқонлари Янгийўл районида биринчилар қаторида гўзани янана қилишни ниҳосига етказдилар. Шу кунларда мутахассислар ва пахтакорларнинг диққат эътибори гектарларда белгиланган миқдордаги кўчатни сақлаб қолишга қаратилган. Ҳар бир бригада, аэродром, мулк, эртакни, арзон ҳосил етиштириш мақсадида зарур агро-

техника тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 1450 гектар майдондаги гўзалар озиклантирилиб, биринчи сувадан чиқарилиб, далада 26 та култиватор ишлаб турибди. Ўттилган пайкаллардаги ниҳонлар вақтида ишлов берилаётганлиги туфайли гўзалар яхши ўсаяпти.

Х. МИРЗАЕВ.

СССР рақамларда

«СССР 1985 йил рақамлари» қисқача статистика тўплами босилиб чиқди. Унда СССРнинг 1985 йилдаги иқтисодий ва социал тараққиёти тўғрисидаги маълумотлар берилган бўлиб, улар 1940, 1960, 1970, 1975, 1980 йиллар ва бошқа йиллар билан таққослаб кўрсатилган.

Тўпламда бошқа социалистик мамлакатлар экономика-

си ва маданияти тараққиёти-ни белгиллаб беришчи баъзи маълумотлар ҳам бор. Бир қанча кўрсаткичлар юзасидан кўрсаткичлар мамлакатлар билан қиёсий рақамлар берилган.

Тўплами СССР Марказий статистика бошқармаси тайёрлаган бўлиб, уни «Финансы и статистика» нашриёти чиқарган. (ТАСС).

БАРЧА МАҲСУЛОТ СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг 2-цехи коллективи қорхонада пешкадам ҳисобланади. Цех ишчи-хизматчилари биринчи қаватда план бўйича 3 минг 699 та универсал култиватор ишлаб чиқаришни керак эди, улар бунинг ортиги билан ундалаб, планга қўшимча 51 та машина тайёрлашди. Шунингдек, цех коллективи тўрт ойга белгиланган топшириқларни ҳам ошириб адо этди.

Шуниси диққатга сазовор:

ки, цехда ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг барчаси фахрий беш қирра тамғаси билан тайёрланмоқда. Цех ишчиларидан 225 нафарини ўзи тайёрлаган маҳсулотга шахсий тамга босиш ҳуқуқига эга. Электрпайдаланчилар Р. Мусоев, А. Убайдуллин, Ф. Ортиқбоев шулар жумласидандир.

Улар сифатли ишлаш билан бирга қулниқ нормаларини 20—25 процентдан ошириб бажаришмоқда.

Э. РИЖИКОВА.

АТЕИСТИК ИШ САМАРАЛАРИ БЎЛСИН

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИГИЛИШИДАН

Коммунизм томон олға борган сари коммунистик ахлоқнинг — революцион кураш максадларига, унинг гоёларига содиқликка асосланган энг инсоний, одил, олийжаноб ахлоқнинг ижодий потенциаллари тўлароқ намойиш бўлмоқда. Бизнинг ахлоқимиз ўзига умуминсоний ахлоқий қадриятларни, шунингдек халқ оmmasининг эксплуатацияга қарши, озодлик ва социал тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун асрлар давомида олиб борган курашида улар ўртасида тугилган муносабатлар ва кишилар ахлоқ-одобининг нормаларини ўзига сингдирган.

Диний сарқитлар ва дунёқарашлар унга ётдир. Шунинг учун ҳам омман атеистик тарбиялаш идеологиясининг муҳим соҳаси бўлиб қолмоқда. Партия,

таъкидланади КПССнинг янги тахрирдаги Программасида — илмий-материалистик дунёқарашни кенг ёйиш учун, диний сарқитларни бартараф этиш учун, диний камият ва шахс манфаатларига эид равишда фойдаланишга бўлган уринишларга қарши гоийвий таъсирнинг барча воситаларидан фойдаланади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида атеистик тарбияни кучайтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари 17 май кун Тошкентда бўлиб ўтган партия актив йиғилишида муҳокама қилинди.

Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов доклад қилди. билин қайта қуриш, қатъий, кескин ҳа- ракат қилишни талаб этади. Кишилар қанчалик онгли, уларнинг гоийвий, ахлоқий ва касб маҳорати, тайёргарлиги қанчалик юқори даражада бўлса қўйилган вазифалар шунчалик муваффақият- ли ҳал қилинади.


Унда маънавий бойлик- ни, ахлоқий софлик ва жисмоний камолотни уйғунлаш-

тириб, гармоник ривожлан- ган ижтимоий актив шахсни шакллантириш диалектик- материалистик дунёқараш- нинг мумкин эмас. Фақатгина диний сарқитлар ва қондлик- лардан халос бўлган, объек- тив ҳақиқат қаринасини тўғри тасаввур қилдиган, ижтимоий тараққиёт қонун- ларини тушунадиган киши- ларгина белгиланган марра-

ришга, ахлоқнинг дунёқара- ши лозим даражада етилма- ган қисми, айниқса, ёшлар ўртасида динга бўлган қизи- қишни кучайтиришга инти- лоқдлар.

Шуларнинг ҳаммаси ате- истик ишни анча кучайти- риш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Областда бу йў- налишда муайян ишлар олиб бориляпти. Қўлиниқ ша- ҳарлар ва районларда ате- истик тарбия бўйича партия актив йиғилишлари, ил- мий-амалий конференциялар бўлиб ўтди, бошланғич пар- тия ташкилотларида партия йиғилишлари ўтказилди. Партия ва комсомол ўқувин системаси, лекция пропаган- дасининг самардорлигини ошириш бўйича чоралар кў- рилмоқда. Лекциялар ва суҳбатлар, савол ва жа- воблар, давра суҳбат- лари, олимпиада ва мутах- сислар, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашув- лар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: фестиваль меҳмонлари — Ҳиндистон делегацияси.

А. Зуфаров фотоси.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ— ОЛИЙ БУРЧ

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ХИЗМАТ СОҲАСИ ИЛГОР ЕШЛАРИ БИЛАН
УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТАРМОҚНИНГ
БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Хурматли ўртоқлар, дўст- лар!

Биз партия ва бутун совет халқи илмий-техника тараққиёти ва мамлакатни соци- ал-иқтисодий ривожланти- ришни жадаллаштиришни қатъий йўлга ўтиб олган даврда яшаб меҳнат қилмоқ- дамиз. КПСС XXVII съездида социал сийбат, инсон ҳақида раҳмўрлик қилиш ва инсон омилни активлаштириш ма- салалари янги куч билан олға сурилди. Шу муносабат билан аҳолининг юқори сифатли ва хилма-хил маҳсулотларга нис- батан ўсиб бораётган талаб- эhtiёжларини қондиришни янада яхшилаш бугунги кун- нинг энг долзарб вазифа- ридан бири бўлиб қолди. Ҳо- зир Озиз-оват программаси ҳам, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини жадаллаштириш- нинг Комплекс программаси ҳам, шунингдек партия ва ҳу- куमतнинг савдони, умумий овқатланишни ва матбуот кооперацияси фазолиятини янада таъминлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор қарорлари ҳам ана шу мақса- дарга йўналтирилгандир.

Хизмат соҳаси ходимлари зиммасига юклатилган юксак масъулиятни тўла тушуинган ҳолда биз — оддий ходимдан тортиб, то министрчага Сиз- ларга, ўзимизнинг касбдош ўртоқларимизга мурожаат қи- либ, ишимиз савдордорлиги ва сифатини қандай қилиб ошириш, тармоқ ходимлари олдида қўйилган вазифани қандай йўл билан муваффақ- ятли бажариш ҳусусида фикр алмашишга қарор қилдик.

Биз, савдо ходимларига ком- мунизм қурувчиси бўлган со- вет кишиларига хизмат кўрсат- тишда шарафли вазифа ишонч билан топширилган. Ана шу юксак ишончини оқлаш учун масъулият, анжидон би- лан, қалб кўрини тўкиб меҳнат қилишимиз керак. Келинг, ҳар биримиз ўзимизга савол берайлик: биз бугун талаб қилинганидек ишляялмишимиз? Енимиз турган ўртоғимиз-чи? Аҳолига савдо хизмати кўрсатишининг бугунги савияси давр талабига мосми?

Биз партия XXVII съезди миқибаридан туриб савдо хо- димлари шаънига айтилган ҳақли эътироз ва таъкидларни тўла ва бутунлай тин оламиз. Ахир биз ишлётган тармоқда жиддий нуқсонлар оқ эмас. Қўлтеб савдо қорхоналари белгиланган планларини ва зими- тага олинган социалистик маж- буриятларни бажара олаётга-

тилар, харидор эhtiёжларини ўрганиш билан жиддий шугул- ланмайдилар. Баъзи маҳсулот- лар омиборларда етарли бўл- гани ҳолда савдога узуқисиз чиқарилабди. Айрим мага- зинлардаги савдо маданияти ҳали жуда паст. Қўполлик, кўрсик, бефарқлик, харидор- ни менсимаслик каби ярамас одатлар ҳамон урғиб туриб- ди. Тароздан ўриб қолиш, маҳсулот нархини ошириб кўрсатиш, ҳисобдан алдаш, қамбб молларни ёшириб қў- йиб қимматроқ сотиш каби со- вет савдо системасига бутун- лай ёт бўлган иллатлар ҳамон девам этмоқда. Биз бундай иллатларни бутунлай тугатиш учун қатъий ва аёвсиз кураш олиб боришимиз керак.

Савдо савдо ходимлари но- мида доғ тушираётган бундай шахслар тармоқдан четлашти- рилмоқда. Улар ўрнига биз авлод келиб қўшиммоқда. Биз хизмат соҳаси ишнин қатъий- лик билан қайта қуришда ана шу ишларга қатъат уинд ор- талмоқдамиз. Пештакелар ор- тида ишларга кўпроқ хотин- қизларни жалб этишимиз ке- рак. Улар савдо хизмати қор- хоналарида асосий ўринни эгаллашлари лозим.

Ҳозир қўлаб магазинларда, ҳатто галантерей буюмлари билан савдо қилувчи бўли- ларда эркакларни уратиб қилиш мумкин. Соғлом, бакуват йи- гитлар пирожки, музқаймак, газли сув сотиб ўтиришадди. Ахир бунинг нормал ҳол деб бўладими? Йўқ, албатта! Бу йигитлар ўзларининг соғлом куч-қувватларини савоат қор- хоналарида, қурилиш майдон- ларида, транспорт ташкилот- ларида, қишлоқ хўжалиги иш- ларида намоён қилишлари керак.

Биз Сиз, хурматли ота-она- ларга ҳам мурожаат қиламиз. Сизлар ўз қизларингизнинг савдо қорхоналарида ишлаш истакларини қўллаб-қувватла- шингиз лозим. Уларнинг бу ташаббусларини рағбатланти- ринг, савдо-сотик жабҳасида муносиб ўринларини топишла- рига қўмақлашингиз. Чунки сав- до коллективларида уларни меҳрибон, тақрибли мураб- бийлар кутмоқда.

Тўғри, биз савдо-сотик иш- ларини пухта ўрганишимиз ке- рак. Савдо ходимларини тай- ёрлаш ва ўқитиш зарур вазифа. Шунинг учун ҳам биз Ўз- бекистон ССР Маориф минис- трлиги ходимларига, респу- блика ҳунар-техника таълими Давлат комитетига мурожаат қиламиз.

Мақтабларо ўкув-ишлаб чиқариш комбинатларида бу-

лаёж савдо мутахассисларини тайёрлашга бўлган эътиборни кучайтирингиз. Ўз меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонган хўрматли савдо ходимларининг ўқувчи қизлар билан учрашув- ларини мунтазам уюштириб ту- рингиз. Шунга эришиш лозим- ки, тенкили савдо ходимлари ўз ишлари ҳақида ёш қизларга сўзлаб беришлар, уларда савдо ходими касбига ҳақиқий меҳр-муҳаббат уйғотсинлар. Билим юртларида савдо хо- дими касбини эгаллаётган қизлар учун қўлай шароитлар яратиб бериш, уларни ўз касбининг устаси қилиб тайёрлаш лозим.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўр- та махсус таълим министрлиги ҳам кадрлар тайёрлаш му- аммосига жиддий муносабат- да бўлиш керак, деб ўйлай- миз. Министрлик савдо мута- хассислиги факультетлари ва бўлимларига кўпроқ хотин- қизларни қабул қилиш тўғри- сида қайғуриши лозим. Шу- нингдек, ўрта мактаблар ҳам савдо тармоқлар учун кадрлар тайёрлайдиган институтлар, техникумлар ва ҳунар-техника мактаблари билан мустах- кам алоқа боғлашлари зарур. Уларни битириб чиқётган қизларнинг кўпчилиги савдо касбини танлашларига эришиш мумкин.

Қадрли ўртоқлар! Бизнинг ушбу мурожаатимиз давр талабидир, совет халқи олдидаги бурч ва масъулиятни тўғри англаш маъсулиятidir. Қўлаб жихатдан буюк ва масъ- улиятли вазифалар амалга оширилётган пайтларда яшаб меҳнат қилиш насиб этди бизларга. КПСС XXVII съезди ўз имкониятларининг намоён қилиш учун, одил, жамиятни- миға ўз меҳнатини қилиш билан ҳалол хизмат кўрсатишимиз учун кенг имкониятлар қўли- нини очиб берди. Партия совет кишиларига хизмат кўрсатиш ва улар эhtiёжларини қондириш- да бўлса қўйилган вазифа- лар ва шу билан бирга шарафли ишнин бизга ишониб топшириб қўйган.

Биз Сизларни ўз иш жойла- рингиздаги ҳар кунги ҳалол ва фидокорона меҳнатингизга би- лан партия съезди қарорла- рини амалга оширишга муно- сиб ҳисса қўишга чақира- миз. Ўн иккинчи беш йилли- кда бир кунинг, ҳар бир ойини савдо соҳасидаги ҳам- ма ишларни тубдан яхшилаш билан нишонлайлик. Совет кишиларига хизмат кўрсатиш- ни янги, сифат жиҳатдан янада юксак даражада қўта- риш учун қўлимиздан келган барча ишни қилайлик.



АССАЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ!

1 дан- IX гача

1968 йил

21 ОКТЯБРДА Тошкентдаги Санъат саройида Осиё ва Африка мамлакатлари Халқаро кинофестивалининг байроғи биринчи мартаба кутарилиди. Фестиваль «Тинчлик, социал тараққиёт ва ҳалқлар озолиги» шiori остида 49 мамлакатнинг 318 кинематографчиларини бирлаштирди.

1972 йил

ОСИЁ ВА АФРИКА мамлакатларининг II Халқаро Тошкент кинофестивали 22 майда очилди. Тошкентга 62 мамлакатдан режиссёрлар, кинотанкичилар, сценарийчилар ва киноактёрлар келишди. Расмий программга юзта бадий ва ҳужжатли фильмлар киритилди. Фестивалда Европа ва Америкадан 30 мамлакат вакиллари, шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлардан меҳмонлар қатнашди. Шу йили совет халқи СССР ташкил топганининг 50 йиллигини нишонлади. Тошкент кинофорумида эса иттифоқдош республикаларнинг бу шонли санага бағишланган «Тинчлик, социал тараққиёт ва ҳалқлар озолиги» шiori остида фильмлар фестивали бўлиб ўтди.

1974 йил

III ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивалида 70 мамлакат кинематографчилари қатнашди. Лотин Америкаси кино арбоблари ҳар йили йилда бир марта Тошкентда бўладиган фестивалнинг расмий қатнашчиси бўлиш истагини билдиришди.

1976 йил

IV ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивали уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинотўғрига айланди. Куба, Бразилия, Аргентина, Панама ва Лотин Америкаси бошқа мамлакатлар ҳам фестивалда ўз фильмлари билан иштирок эттиди. Туртинчи фестивалдан бошлаб мунтазам равишда «Кинофестиваль йўлдоши» журнали 4 тилда чиқарила бошланди.

1978 йил

V ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивалида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан 70 мамлакат кинематографчилари, шунингдек БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин озолиги ташкилоти ва Чили ватандошлари номидан вакиллар иштирок этди. Расмий кўрикда биринчи мартаба Австрали ва Океания кино усталари ўз фильмлари билан қатнашди. Ҳаммаси бўлиб 230 дан зиёд фильм намойиш этилди.

1980 йил

VI ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивалида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан 97 мамлакатдан делегатлар ҳамда турли халқаро ва миллий ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Тошкентга 500 дан ортиқ кинематографчилар келишиб, савл нам 200 та фильм намойиш этилди. Қисқа танафусдан сўнг уч қитъа иштирокидати бу кинофестивалда Бразилия кинематографчилари ҳам ўз фильмлари билан қатнашди. Халқаро Тошкент кинофестивалига Камбунга, Никарагуа ва Сейшел оралири кинематографчилари ҳам биринчи мартаба келишди.

1982 йил

VII ХАЛҚАРО Тошкент кинофестивалида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан 100 га яқин мамлакат кинематографчилари халқаро ва миллий ташкилотларга кирувчи давлатлар вакиллари ўзбекистон пойтахтига тўпланди. Бу фестивал СССР ташкил топганининг 60 йиллиги нишонланган йилда ўтказилди.

1984 йил

ОСИЁ, АФРИКА ВА Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида халқаро ва миллий ташкилотларга кирувчи 92 давлатдан ва фарбий Берлиндан делегатлар ўз фильмлари билан қатнашди.

УЧ ҚИТЪА ЭКРАНИ

Республикамиз пойтахти бугун тўққизинчи марта жаҳон кинематографияси вакиллари ўз бағрига олмақда. Шу муносабат билан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX халқаро Тошкент кинофестивали Бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитети раисининг ўринбосари Қ. Х. ЭРГАШЕВ муҳиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Халқаро Тошкент кинофестивали жаҳон миқёсида ўтказилаётган кўпгина кинофорумларга нисбатан анча ёш. Бу ерда дастлабки фестивал ўтказилганига 18 йил бўлди, ҳоло. Аммо, мазкур киноанжуман дунёдаги бошқа фестивалларга нисбатан катта қўлмалда оммавийлашиб бормоқда. Унинг жаҳон кинематографиясини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳам ортимоқда. Агар биринчи Тошкент фестивалида 50 га яқин мамлакат иштирок этган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам икки баравар кўпайди. Фестиваль меҳмонларининг сони бундан кейин ҳам охиб бораверибди ишончимиз комил.

Мазкур кинофестивалининг ўзига хос хусусияти нималардан иборат? Бу аввало фақатгина Тошкент анжуманига хос бўлган демократизм билан изоҳланади. Бизнинг ушбу кинофорумимиз Нант фестивали каби маълум доирадаги одамларга мўлжалланган ҳашаматли кўрик эмас. Бу ерда сарҳадам либослар, энг сунгги модалаги кинематографик беазилар, кино колдуларининг шахсий ҳаётига доир миш-мишларга ўрин йўқ. Бунда фестивал мукофотларини қўлга кириштириш учун олиб бориладиган пинҳоний рақобат ҳам, бундай совринларнинг ўзи ҳам йўқ. Бизда иштирок этаётган кинематографлар аксинча жамоат ташкилотларининг мукофотлари ва томошабиларнинг миннатдорчиликлари билан тақдирланадилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказилаётган фестивали ҳақида жуда кўп илқ гаплар айтиш мумкин. Ундаги уч қитъа кино усталарининг дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтаётган учрашувлари сайёрамизда тинчлик ва ҳафсизликни мустақамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланиши, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазидаларига мос тушиб, жаҳондаги барча кинематографчилар ўртасидаги алоқаларни

лиги ва порлоқ келажаги учун курашга сафарбар этаётган ҳар қандай кинематограф Тошкент фестивалининг қатнашчиси ёни меҳмони бўлиши мумкин.

Фестиваль кунлари Тошкентга кўплаб чет эллик меҳмонлар келишади. Анжуманда Осиё қитъасидан Афғонистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Ливия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Япония, Африкадан Жазир, Ангола, Гана, Гвинея, Миср, Конго, Сенегал, Эфиопия, Лотин Америкасидан Аргентина, Бразилия, Колумбия, Коста-Рика, Мексика, Никарагуа каби мамлакатлар кинематографиясининг намояндаси, қардош социалистик мамлакатларнинг вакиллари, шунингдек, Фарбий Европанинг баъзи давлатлари кино арбоблари иштирок этадилар. Бундан ташқари, кинофорумда икки юзга яқин совет ва чет эл журналистлари қатнашади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, навбатдаги Тошкент фестивали бугун мамлакатимиз КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган бир пайтда ўтади. Сайёрамизнинг турли бурчакларидан Тошкентга ташриф буюрган санъаткорлар ва маданият арбоблари анжуман кунлари дунёга дўстлик ва қардошлик, қолверса, фестивал шаҳри сифатида эълитиб қозongan гузал пойтахтимиз билан, жонжон Ўзбекистонимиз ва унинг бугунги равақи билан яқиндан танишадилар. Меҳмонлар қўшили дўстимиз тинимсизда кўп миллатли Ватанимизда социалистик тараққиёт йўлидан бориб қандай ютуқларни қўлга киритганилиги ўз қўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлади. Фестиваль ташкилотчилари республика меҳнаткашлари, ёшлар ва ижодкор айтиллар билан кўпгина учрашувлар ўтказишни мўлжалламақда. Турли корхоналар, колхоз ва совхозларга ташриф буюриш кўзда тутилмоқда.

Биз ҳам ўз навбатида илгор инсонпарварлик қўлини татанаси учун астойдил курашаётган чет эллик санъаткорларнинг ижод намуналари билан яқиндан танишамиз, кино оламида пайдо бўлган янги номлар ва асарлардан огоҳ бўламиз. Эндигина шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар еш кинематографиясининг қўлга киритаётган дастлабки ютуқларини кўриб қувонамиз.

Халқаро аҳвол сезиларли даражада мураккаблашган, милитаризм кучлари бош кўтариб, миллионлаб одамларнинг оғир ҳаётини хавф остига қўйётган ҳозирги ш.

Жонжон Тошкент узра яна фестивал байроғлари қўйилмоқда. Шаҳримиз ўз меҳмонларини кўчон қўлиб қарши олади. Сайёрамизнинг уч қитъаси ижодкорлари яратган энг яхши киноленталар намойиш қилинадиган аънавий ва қизиларли анжуман — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг тўққизинчи халқаро Тошкент фестивали кино санъати намояндалари ва фестивал мухлисларининг юракларини тўққизинчи раунгчи унутилмас учрашувларга бой бўлишига тилакдоримиз.



Ушбу сурат VIII халқаро олинган бўлиб, унда афгонларнинг учрашуви акс эттирилган. М. Нуриддинов фотоси.

КОСМОНАВТЛАР НОМИДАН ҚУТЛАЙМАН

— МЕНИНГ ЮРТИМ — Совет Ўзбекистони пойтахтида уч қитъа кинематографчилари тўққизинчи марта йиғилишмоқда. Тинчлик, дўстлик ва тараққиёт қўлига хизмат этувчи мазкур фестивал қатнашчилари ва меҳмонларини совет космонавтилари номидан сазимий қутлайман!

Бу йил биз исонининг биринчи марта конитта парвоз этганининг 25 йиллигини нишонладик. Бу исон — кўп миллатли мамлакатимиз граждани Юрий Гагарин эди. Шахсан мен учун мазкур сана айниқса муҳимдир, негаки ўшанда Тошкентдаги суворовчилар билим юртини битирган, ҳаёт йўлини қатъий белгиланган, учувчи, сўнг космонавт бўлишга қарор қилган эдим. Тўғри, афсус билан шунинг айтишим керакики, Юрий Гагарин билан шахсан таниш эмасдим. Космонавтар оғирдаги мени фожияли ҳалокат юз бергани билан бир неча йилдан сўнг қабул қилишди, лекин унинг жасорати ҳаммамизни конитта қорлади.

Нега мен бугун булар ҳа-

Владимир ЖОНИБЕКОВ,

СССР космонавт-учувчиси, июль мартда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты.

қиди сўзлаяман? Гап шунданки, космосни тинчлик мақсадлари хизмат эттиришдаги улкан муваффақиятларни сайёрамиздаги барча кишилар ақл ва заковатлари билан ҳис этмоқдалар. Телевизио ва кино шарофати билан исонийт Ерими нийонда кичиклигини, қандай асраб-авайлаш, ҳар қандай термоядор ёнгинидан ҳимоя этиш зарурлигини тушуномқда.

Буларнинг бари кино санъатида янги йўналиш касб этди. Гап космик кинематография ҳақида кетаётган. Менинг ҳамкасбларим бугунги космонавтика масалаларига бағишланган кўплаб ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳозирги кун-

да улар ерга яқин орбитага телевизио ва кинокамералар билан чиқиб, турри орбитал станциялардан очик космосга чиқиб олдидан репортажлар олиб бораётганлари сир эмас. Бир сўз билан айтганда, космонавтар ҳам кинорежиссёр ва операторлик касбини эгаллаб олишмоқда. Уларни кўпинча киностудияда монтаж столи устида ҳам учратамиз.

Маълумки, «Интеркосмос» илмий программаси планига кўплаб мамлакатлар қатнашмоқда. Вақти келиб, халқаро Тошкент кинофестивалида янги жанр фильмлари — космик фильмлар кўриги ҳам намойиш этилишига умидворман. Бундай ленталар жуда кўп, яна яратилишига ишонаман. Ахир кино исонийт тарихини ҳақоний ва ғўшқинлик билан тасвирлаб, кишиларнинг номаълум соҳаларини кўриб олишлари, тинчлик ва тараққиёт учун халқаро ҳафсизлик масалаларини ҳал этишга интилишларини ёритиб келмоқда.

Меҳмонларимиз МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Майягузал АНМЕДОВА, актриса (СССР)

— КИНОФЕСТИВАЛЬ бизга бахш этган илҳом, олам-олам заъки билан азиздир. Анжуман, айни вақтда, ҳоҳиймиз Владимир Ильич Ленин «санъатлар ичида биз учун энг муҳими» деб таъкидлаган кинога бўлган масъулиятимизни янада кучайтиради. Биз, ҳозирги даврда энг халқчил, энг оммабоп санъат деб эътироф этилаётган кинонинг исонни тарбиялашдаги тарихий аҳамиятини, замоннинг, даврининг ақтуал масалаларини ҳал этишдаги афзалликларини мложи борича янада кучайтиришни мақсад қилган совет санъаткорларимиз.

Фестиваль менга кўпдан-кўп дўст ҳади етади, маҳорат силрини очади, илҳом бағишлайди, санъаткорлик масъулиятини янада оширади.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Анвар РИЗОЗОДА, киноактёр (АФГОНИСТОН)

— МАМЛАКАТИМИЗДА Савр инқилобининг галабасидан кейин миллий кинематографияни ривожлантиришнинг кенсиз имкониятлари очилди. Аксинчи-лобчилар хуружи батамом тутғилидан бўлса-да, халқимиз янги ҳаёт куриш йўлида катта мақсад ва ишонч билан меҳнат қилмоқда. Кино санъати ижодкорлари ҳам янги жаҳоннинг том маънодаги афзалликлари, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришларини ифода этувчи бадий ва ҳужжатли фильмлар яратиш устида қизгин иш олиб бормоқдалар.

Менинг истагим шунки, уч қитъа мамлакатларининг халқаро киноанжумани бундан кейин ҳам исонийтнинг эзгу мақсадлари учун хизмат қилаверсин.

БУ ФИЛЬМЛАРНИ ТОМОША ҚИЛАСИЗ



Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX халқаро Тошкент кинофоруми экранда Куба, Қозғистон, РСФСР (Свердловск киностудияси), Озарбайжон ва Арманистон кинематографлари намойиш қиладиган бадий фильмлардан кадрлар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX халқаро Тошкент кинофестивали Бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитети раисининг ўринбосари Қ. Х. ЭРГАШЕВ муҳиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди:

САЙЁРАМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ



Мухтор ҲАБИБУЛЛАЕВ, «Главташкестрой»нинг «Висострой» трест комплекс бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

— ЎЗБЕКИСТОНЛИК кўп минг кишилик курувчилар номидан кинофестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларини табриклайман. Бизнинг трест 1966 йил апрелдаги кучли зилзиладан кейин қайта барпо этилган Тошкент билан тенгдош, биринчи халқаро кинофорум эса икки йилдан сўнг ўтказила бошланди. Шундай экан, фестивалнинг доимий қатнашчилари шаҳримиз қиёфаси қанчалик ўзгаришини кўриб олишлари қийин эмас. Бугунги Тошкентнинг обод, гузал бўлиб қад кўтаришда бригадамизнинг ҳам ҳиссаси борлигини мамнунман.

Республикамиз пойтахтига санъаткорлар уч қитъа кино санъатининг янги йўналишлари, жаҳон кинематогра-

ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Мухтор ҲАБИБУЛЛАЕВ, «Главташкестрой»нинг «Висострой» трест комплекс бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

фисининг долзарб муаммоларини ҳукусида фикрлашиб олиш учун йиғилилди. Сайёрамиз кишилари эртанги кун ташвишнинг қилаётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳимдир, негаки ядро қуроли поғиса қундан-қунга охиб бормоқда. Соғлом фикрловчи ҳар бир киши халқлар иродасига, исон ақл-идроки ўз-ўзини ҳалок этишига йўл қўймаслигига ишонади. Шу ўринда кино санъаткорлари ҳам ўз сўзларини айтишлари зарур, бинобарин она-сайёрамиз тақдирини уларга ҳам боғлиқ. Санъатимиз ҳаммаша тинчлик ва тараққиёт учун, турли мамлакат халқлари ўртасида дўстлик мустақамлашаниш учун хизмат этаверсин.

фисининг долзарб муаммоларини ҳукусида фикрлашиб олиш учун йиғилилди. Сайёрамиз кишилари эртанги кун ташвишнинг қилаётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳимдир, негаки ядро қуроли поғиса қундан-қунга охиб бормоқда. Соғлом фикрловчи ҳар бир киши халқлар иродасига, исон ақл-идроки ўз-ўзини ҳалок этишига йўл қўймаслигига ишонади. Шу ўринда кино санъаткорлари ҳам ўз сўзларини айтишлари зарур, бинобарин она-сайёрамиз тақдирини уларга ҳам боғлиқ. Санъатимиз ҳаммаша тинчлик ва тараққиёт учун, турли мамлакат халқлари ўртасида дўстлик мустақамлашаниш учун хизмат этаверсин.

— ҲА, албатта! Таржимонларимиз республикамизнинг етакчи олимлари ва мухассислари бундан олдинги VIII кинофестивали ўтказиш тажрибаси, кино санъатимизнинг равақи, Совет Ўзбекистонининг сиёсий структураси, қишлоқ ҳўжалиги, саноати, фани, маданияти, маорифи ва таржима амалиёти ҳақида маъруза ва суҳбатлар ўтказилар. Ҳозирги кунда фестивалда иштирок этадиган делегацияларнинг миқдори ва катта-кичиклигини ҳисобга олиб, 30 га яқин тил бўйича таржимонлар бириктирилди. Таржимонларимиз фестивалнинг барча тадбирларида — матбуот конференциялари, қабул маросимлари, кино ходимларининг томошабинлар билан ижодий мулоқотлари, хорижий делегацияларнинг телеэкран орқали ва кинотеатр залларида санъат мухлислари билан учрашувлари ва бошқа маданий-оммавий ишларда намунавий хизмат қилишга, халқаро кинофестивалнинг юқори савияда муваффақиятли ўтказилишида самарали ҳисса қўишмоқда.

— Халқаро кинофестивалининг таржима хизмати фаолиятида кўп йиллардан бери

қатнашиб келётганинигиз ва мазкур кино учрашувларга таъйёрлик муносабати билан қандай истаблар билдирдингиз!

— Тошкент кинофестивали ўз тажриба ва аънавларига эга. Бу йирк тадбирлар ҳақида чет эл матбуоти илқ муносабатлар билдираётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Тошкент кинофестивалининг йилдан-йилга кенг миқёсларини қамраб олаётганилиги, обрў-эътибори ошаётганилиги, шунингдек, бизнинг регионда халқаро аҳамиятдаги турли анжуманлар ўтказилишини ҳисобга олиб, Тошкент чет тиллар педагогика институтини базасида таржимонлар тайёрлайдиган факультет очилса, нашриётлар ўзбекча-русча — хорижий тиллар бўйича кино, маданият, адабиёт ва бошқа мавзуларга бағишлаб сўзлашув китоблари, луғатлар тайёрлаш ишига киришсалар, айни мудооа бўлар эди.

Суҳбатни Ш. КАРИМОВ олиб борди.

